Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 13 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 77 (13.140)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмасининг 2016 йилги ҳосилдан бошлаб хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмасини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси:

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан барқарор таъминлаш;

ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида захирага ғамлаш;

ташқи бозорларда харидоргир бўлган хўл мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ушбу маҳсулотларга нисбатан талабдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

2. Вилоят ва туман ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича ҳудудий бошқарма ва бўлимларига фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳажми бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ва улар томонидан тузилган контрактация шартномалари бажарилишини мониторинг қилиш;

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компаниясига хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш;

"Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмасига қиш-баҳор мавсуми учун хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни ғамлаш;

"Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясига хўл мева-сабзавотларни экспорт қилиш вазифалари ва масъулияти юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат буюртмаси доирасида:

маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш, маҳсулот етказиб берувчилар – фермер ва деҳқон хўжаликлари ва истеъмолчилар – "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак бериш орқали амалга оширилади;

хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум фермер ва деҳқон хўжаликларидан келишилган, бозор нархларида харид қилинади;

хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари "Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида экспорт комиссия шартномалари бўйича экспорт қилинади;

хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини комиссия шартномалари асосида экспорт қилишда комиссия хизмати учун тўлов миқдори 1 фоиздан ошмаслиги лозим;

қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга олдиндан 100 фоиз тўлаш ёки аккредитив очиш ёхуд харидорнинг молиявий барқарорлик даражаси юқори бўлган энг ишончли банклари кафолати билан, хўл мева-сабзавот маҳсулотлари эса олдиндан камида 30 фоиз тўлаш шартлари асосида етказиб берилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисидаги Низом;

хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, унда экспортдан валюта тушумининг кафолати ва унинг белгиланган миқдорда мажбурий сотилишини таъминлайдиган нормалар кўзда тутилсин.

4. 2016 йил учун хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси 1-иловага мувофиқ;

2016 йил учун давлат буюртмаси асосида мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш ва ишлатилиши баланси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги 2505-қарорига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссиясига (Ш.Мирзиёев) зарур ҳолларда жаҳон бозоридаги конъюнктура ўзгаришини инобатга олган ҳолда мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳажмидан келиб чиқиб, баланс параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига баланс ижроси ҳақида маълумот тақдим этсин.

5. Махсус ташкил этилган ишчи гуруҳлари жойларга чиқиб, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни тўлиқ инвентаризациядан ўтказгани, уларнинг барчаси хусусий мулк шаклидаги корхоналар эканлиги ва уларнинг аксарияти замонавий технология ускуналари билан жиҳозлангани маълумот учун қабул қилинсин.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ўтказилган инвентаризация асосида уч ой муддатда мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш ва ташқи бозорда рақобатбардош сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган қайта ишлаш корхоналарини янада модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, замонавий қадоқлаш буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга доир аниқ таклифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

(Давоми 2-бетда)

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 2016 йил 14-15 апрель кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашув чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қиладилар.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялари томонидан сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар ўтказилди.

● Андижонда "Ўзбекистон – умумий уйимиз" шиори остида турли миллат вакиллари иштирокида дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

● Нукусда "Универсиада – 2016" спорт ўйинларининг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва бокс бўйича ҳудудий саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Спорт мусобақаларининг финал босқичига бериладиган йўлланма учун Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари терма жамоалари ўзаро баҳслашди.

● "Ораста қизлар" кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичида 17 қиз ғолиблик учун баҳслашди. Иштирокчилар белгиланган шартлар асосида ўзларининг ораста ва фаоллиги, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари – компьютер ва интернетдан фойдаланиш борасидаги билимини намойиш этди. Ғолиблар ҳамда "Энг ижодкор қиз", "Энг шижоатли қиз" сингари қатор номинациялар совриндорлари муносиб тақдирланди.

ЖАҲОНДА

● Жорий йилнинг февраль ойида евроҳудуддаги ишсизлик даражаси 0,1 фоиз камайиб 13 фоизга тенглашди. Бу борадаги энг яхши кўрсаткич Германия (4,3 фоиз) ва Чехия (4,5 фоиз)га тегишли бўлди.

● SpeedX номи билан машҳур Beast Cucling компанияси Leopard "ақлли" велосипедини тақдим этди. SpeedX Leopard "ақлли" велосипеди вақтни ва сафар масофаси, айланиш вақти, тезлик, педал айланиш частотасини назорат қила олади. Шунингдек, у GPS бўйича манзил, баландлик, об-ҳаво ва юрак ритмини монитор қилиш орқали ҳам текшира олади. Тормозларда орқа қисми ёруғлиги, корпусида эса GoPro ёки бошқа экшен камера жойлашган.

● Американинг машҳур "Forbes" журнали тузган рейтинг бўйича профессионал спортчи сифатидаги фаолиятини якунлаганлар орасида энг кўп ҳақ оладиганларнинг номи эълон қилинди. Бунда биринчи ўринда АҚШлик машҳур баскетболчи Майкл Жордан бўлиб, у ўтган йили реклама роликларида суратга тушгани учун 110 миллион доллар ишлаб топган. Кейинги ўринларни 65 миллион долларлик даромад билан англиялик футболчи Дэвид Бекхэм ҳамда 40 миллион доллар ишлаб топган гольф устаси Арнольд Палмер эгаллаб туришибди.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 апрель куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, авиаташув, энергетика, нефть-газ, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кимё ҳамда енгил саноат, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, ахборот технологиялари ва коммуникациялари, геология, тоғ-кон металлургияси, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қўмита ҳамраиси Рустам Азимов ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга расмий ташрифи, Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрь ойида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларга янги суръат бағишлади.

Ўзбекистон – Япония иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантиришга оид битимлар каби кўплаб ҳужжатларга асосланади. Икки томонлама алоқаларни кенгайтиришда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон қўмиталари муҳим ўрин тутади. Мазкур қўмиталарнинг навбатдаги қўшма мажлисида Японияниг етакчи фирма ҳамда компаниялардан вакиллар иштирок этгани Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистон сармоявий салоҳиятига қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2015 йилда бу кўрсаткич 253,4 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида тузилган ўндан зиёд қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 12 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар транспорт, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил саноат, экспорт-импорт операцияларини ўтказиш, сармоявий лойиҳалар доирасида асбоб-ускуналар етказиб бериш каби йўналишларда иш олиб боради.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Кеча "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларининг шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссия аъзолари ҳамда ишчи гуруҳи раислари иштирокида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий - ҳуқуқий асослари" мавзусидаги семинар-тренинги бўлиб ўтди.



САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК – МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

Семинар-тренингда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга ёрдамлашувчи шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссиялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида жорий йилнинг май-июнь ойларида шаҳардаги 505 та маҳаллада фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 7 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва қонун талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш масаласи борасида атрофлича изоҳ берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари, олдинги сайловда учраган айрим камчиликларга йўл қўймаслик масалаларига кенг тўхталиб ўтишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори қабул қилиниб, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга ёрдамлашувчи шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссиялари тузилди.

Ўтган вақт ичида барча маҳалла фуқаролар йиғинларининг вакиллар йиғилишларда сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ва бошқа манфаатдор вазирлик, идораларни жалб қилган ҳолда шу йилнинг май ойида етакчи хорижий ишлаб чиқариш компаниялари ва уларнинг диллерлари иштирокида ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича замонавий юқори технологияли ускуналар ҳамда технологияларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ташкил қилсин.

6. 2019 йилнинг 1 январигача:

мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъи назар, замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари);

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси таркибига кирадиган қайта ишлаш корхоналари ягона ижтимоий тўловдан ташқари даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандга мувофиқ солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши ҳисобидан бўшайдиган маблағлардан ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун мақсадли фойдаланилиши лозим. Бўшаган маблағлардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда улар қайтариб олиниб, бюджет ва тегишли давлат мақсадли фондларига ўтказилади.

7. Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, "Ўзагроэкспорт" компанияси ва бошқа манфаатдор тузилмаларнинг:

жорий йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида 2016 йилги ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркасини ўтказиш;

Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркаларини ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган майдонни ташкил этиш ва унинг базасида ҳар йили октябрь ойида келгуси йил учун экспорт шартномалари тузишни ташкил қилиш мақсадида хорижий компанияларнинг фаол иштирокида ярмарка тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркасини ҳар йили ўтказишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

8. Тижорат банкларига фермер ва деҳқон хўжаликларига мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш учун давлат буюртмаси бўйича бўнак ва якуний ҳисоб-китоблар учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада кредит ресурслари ажратиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ишлаб чиқарувчи хўжаликлар тоифасига қараб мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни етиштириш ҳамда контрактация шартномалари асосида харид қилиш ҳажми бўйича статистик ҳисоботларни танқидий кўриб чиқсин ва бу борада халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда янги статистик ҳисоботлар шаклларини белгиланган тартибда тасдиқласин ва уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, тегишли статистика органларига тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги "Ўзстандарт" агентлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси билан биргаликда 2016 йилнинг 1 майига қадар ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортировка қилиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни бир ойлик муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 апрель

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Япония ҳукумати мамлакатимизда 1995 йилдан буён таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни қамраб олган кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастурини амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур дастур доирасида умумий қиймати 23 миллион 380 минг доллардан ортиқ 352 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Айни пайтда таълим ҳамда тиббиёт соҳасида 11 лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мажлисда Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида мамлакатимиз иқтисодиётида изчил таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Иқтисодиётнинг барча тармоғини ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, соҳада давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш, хусусий мулкнинг улушини ошириш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусийлаштириш соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш катта истиқболга эга экани таъкидланди. Мамлакатимизда фаол иш юритаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, "Mitsubishi Corporation", "Marubeni Corporation", "Toyota Tsusho Corporation" каби ташкилот ва компаниялар ҳамкорлигида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга келишиб олинди.

– Жаҳонда ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистон юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани эътиборга молик, – деди "Mitsubishi Corporation" корпорацияси катта ижрочи вице-президенти, қўмита ҳамраиси Хидето Накахара. – Зеро, мамлакатингиз иқтисодиётининг барқарор ривож топаётгани Ўзбекистон танлаган тараққиёт моделининг самарали эканлигини исботлади. Ушбу тадбир Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма бизнес лойиҳаларини ҳаётга изчил жорий этишга хизмат қилади.

Анжуманда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари, Япония компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистон индустриал зоналарида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Япония компанияларининг мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган сармоявий лойиҳалардаги иштироки, нефть-газ, банк-молия, кимё саноати, юқори технологиялар, автомобилсозлик ва тўқимачилик соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири





Ислом Исмоилов олган суратлар

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК – МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, Сенат қарорига кўра 2016 йил майиюнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига юкланган.

Семинарда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайловни тайёрлаш ва ўтказишнинг асосий мақсади фуқароларнинг маҳалла бошқаруви органларини демократик шакллантириш жараёнида бевосита иштирок этиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни таъминлашдан иборат эканлиги таъкидланди.

Бунда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун ҳужжатларига таянган ҳолда демократик тамойиллар асосида ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда сайловнинг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини сайловчиларга атрофлича тушунтириш бўйича самарали ахборот кўмагини ташкил этиш учун шароит яратиш лозимлиги таъкидланди.

Фуқароларга номзодларнинг фидойи, қаноатли, ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан танишиш имкониятларини яратиш, сайловчиларнинг мамлакат ҳаётидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида сайловни тайёрлаш ва ўтказишнинг боришидан хабардорлигини ва тегишли ахборотга эга бўлишини таъминлаш муҳим вазифалардан бири эканлиги қайд этилди.

Шунингдек, сайловда қатнашувчи фуқароларга "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунларнинг асосий қоидаларини тушунтириш, Фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар, илмий-амалий конференциялар ўтказиш сайловолди тадбирларининг муҳим омили эканлиги билдирилди.

Юқорида қайд этилганидек, май-июнь ойларида шаҳардаги жами 505 та маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар бўлиб ўтади.

Семинар ишида сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда туман қўмаклашувчи комиссиялари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган ишчи гуруҳларининг вазифаларига алоҳида урғу берилди.

Фуқаролар йиғинлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари ва депутатлар таркибидан иборат кўмаклашувчи комиссиялар томонидан маҳаллаларда камида 7 нафар аъзодан кам бўлмаган ишчи гуруҳларининг фаолияти йўлга қўйилиши қайд этиб ўтилди.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мактаб, академик лицей, коллежлар директорлари киритилиши мумкин.

Маърузачилар томонидан сайловдаги вакиллик нормасини белгилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қонун талабларига биноан барча маҳаллалар учун вакиллик нормаси бир хил бўлиши шарт эмаслиги, ҳар бир маҳалланинг сайловдан кейин 2,5 йил давомида вакилларни чақириб ҳар чоракда вакиллар йиғилишини ўтказишга шароити борлигидан келиб чиқиб танлаш лозимлиги таъкидланди. Ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг сайловдаги вакиллиги нормасини белгилаш қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда жойдаги ишчи гуруҳлари томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, вакиллар маҳалла ҳудудидаги барча кўп қаватли уйлар, кўчалардан сайловчилар сонига қараб тенг сайланиши кераклиги, барча тайёргарлик ишлари амалга оширилгандан сўнг туман комиссиялари маҳаллаларда ўтказиладиган сайлов йиғилишларининг жадвалини тузишлари лозимлиги, жадвал асосида сайловчиларни хабардор қилиш ҳамда йиғилишни ўз вақтида ўтказишнинг таъминланиши билдирилди.

Амалдаги фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг яқин қариндошларининг ишчи гуруҳи таркибига киритилиши мумкин эмаслиги таъкидланди.

Маҳаллалар кесимида ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан сайловларни ўтказиш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришнинг муҳимлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳининг масъулиятли вазифаларидан бири маҳалла ҳудудида яшовчи аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатиш эканлиги, бунда раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига камида 3 нафар номзодлар бўйича таклиф тайёрлаш лозимлиги таъкидланди.

Фуқаролар йиғини раислигига тайёрланган номзодлар ҳақидаги маълумотларни туман ҳокими билан келишиш учун тегишли туман қўмаклашувчи комиссиясига сайловдан камида 10 кун олдин топшириш зарурлиги билдирилди.

Ишчи гуруҳи туман ҳокимининг хулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўйиши шартлиги қайд этилди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, фидойи, қаноатли, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши кераклиги маълум қилинди.

Бунда маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликка асло йўл қўймаслик зарурлиги қайд этилди.

Биз тадбир давомида унинг иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширдик.

— Маълумки, яқин кунлар ичида шаҳримиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар бўлиб ўтади, — дейди Юнусобод туманидаги "Оқибат" маҳалласида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раиси Нафиса Қодирова. — Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови мазкур лавозимларга икки ва ундан кўп номзод кўрсатган ҳолда амалга оширилади. Бугунги семинар-тренингдан иш жараёнини ташкил этиш бўйича жуда керакли маълумотларни олдик. Айниқса, ишчи гуруҳларининг масъулиятли вазифаларидан бири маҳалла аҳли фикрини ўрганган ҳолда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни кўрсата олиши кераклиги ҳақидаги фикрлар сайловлар жараёнига янада масъулият билан ёндошиш лозимлигини англатади.

— Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Д.Аюповнинг "2013 йилда бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловларида йўл қўйилган камчиликларни бу сайловларда такрорламаслик борасидаги вазифалар" мавзуидаги маърузаси айниқса эътиборимизни тортди, — дейди Учтепа туманидаги Ўткир маҳалласида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раиси Раъно Файзиева. — Бинобарин, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари аввало ўзларининг асосий вазифалари нимадан иборат эканлигини яхши англаб, иш юритишлари керак. Шундагина бўлиб ўтадиган сайловлар юқори савияда, очиқ-ошкора, муқобиллик асосида ташкил этилиб, муносиб номзодлар сайланади.

— Биз ҳам ушбу семинарда ўзимизга керак бўлган барча маълумотларга эга бўлдик, — дейишди Сергели туманидаги "Янгиҳаёт" маҳалласида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раиси Ирода Йўлдошева ва "Халқобод" маҳалласида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ котиби Рая Омаровалар. — Ўйлаймизки, биз қонунларимизни қанчалик яхши билсак ва улар асосида иш олиб борсак, кутилган натижага эришамиз. Бўлажак сайловларда энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сифатида сайланиши юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва маҳаллалар ободлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир.

Бўлиб ўтган семинар-тренингда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Р.Сайдахмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари М.Алиев, А.Бобоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати М.Тохтаева, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раиси А.Ғуломов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Д.Аюпов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидовлар бўлажак сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий, амалий жараёнлари хақида маъруза қилдилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида семинар-тренинг иштирокчилари томонидан берилган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ,
Шоира МУҲАМЕДОВА

Миллий матбуот марказида "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан ташкил этилган анжуман "Банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни самарали ташкил этиш ва бу борада истиқболдаги режалар " мавзусига бағишланди.

МИЖОЗЛАРГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛМОҚДА

Анжуманда таъкидланганидек, юртимизда банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон банк тизими эришаётган натижалар нуфузли халқаро молия институтлари томонидан ҳам эътироф этилаётгани қувонарли.

"Вақт давомида синалган ишонч!" шиори остида фаолият кўрсатувчи ушбу молия муассасаси ўзининг кўп минглик аҳил жамоаси кўмагида юзлаб анъанавий ва замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Таклиф қилинаётган шундай кенг қамровли хизматлар орқали "Ўзсаноатқурилишбанк" нафақат молия бозорида, балки миллий иқтисодиётимизда ҳам ўзининг мавқеини янада мустаҳкамлаб бораётир.

Пластик карточкалар бугунги кунда юртимизда тобора оммалашиб бормоқда. Бундай замонавий тўлов воситаларини фуқароларимизнинг ёнида олиб юриши оддий ҳолга айланиб улгурди, десак янглишмаймиз. Боиси, эндиликда пластик карточкалар билан нафақат йирик шаҳарларда, балки олис туманларда ҳам кўпгина соҳаларда ҳисоб-китоб қилишнинг мукаммал тизими яратилмоқда.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ҳам аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш ва мижозларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Таъкидландики, кейинги пайтда пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми кенгаймоқда. Ўрнатилган барча инфокиоск ва банкоматлар UZ PAYNET тўлов тизимига уланган бўлиб, мижозлар пластик карточка орқали барча коммунал хизматлар, уяли алоқа учун тўловларни амалга ошириш, қайси банк эмитенти бўлишидан қатъий назар, ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағлари бўйича маълумотларни олиш ва пул маблағларини карточкаларга юклаб олиш имкониятига эга.

Гапнинг рости, бир вақтлар оддий бир карточкага бутун жамғарма жойлаштирилиб, у орқали нафақат мамлакат, балки жаҳоннинг исталган жойида маблағга эга бўласиз, дейишса кўпчилик ишонмасди. Бугун эса пластик карточкалар орқали нақд пулсиз муомаланинг амалга оширилиши оддий воқелик бўлиб қолди.

Шу маънода "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бу жабҳада кўрсатаётган хизматлари ҳам ривожланмоқда. Ҳозирда 1 миллиондан зиёд киши мазкур банк пластик карточкаларидан фойдаланаётир. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони 10 мингдан ошди. Бундан ташқари, аҳолини нақд пул маблағлари билан таъминлаш учун 18 та банкомат ишламоқда.

Ўтган йил мобайнида банкнинг пластик карточкалари орқали пул айланмаси 2 триллион 334 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, шундан савдо шохобчалари ва банк хизматлари кўрсатиладиган жойларда 2 триллион 126 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Бутун жаҳон тажрибасида бўлгани каби юртимизда ҳам тўловларни нақд пулсиз амалга оширишга ва бунинг асосий омили сифатида пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Банк бу ташаббусга мамлакатимизда биринчилардан бўлиб қўшилган ва пластик карточкаларни муомалага чиқаришни 2000 йилдан буён амалга ошириб келаётган етакчи молия муассасаси ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, банк жамоаси мижозларга тезкор, аниқ ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида жаҳоннинг энг нуфузли банклари билан ҳам бемалол рақобат қила олишини исботламоқда. Масалан, "Ўзсаноатқурилишбанк" пул ўтказмалари бозорида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам етакчи ўринда туради. Бугунги кунда банк ўз мижозларига бир вақтнинг ўзида "Золотая корона", "Interexpress", "Blizko", "Western union" ва "UNIStream" каби халқаро пул ўтказмаларини тақдим қилмоқда. Бу эса банкка сайёрамизнинг турли минтақаларини қамраб олиш имкониятини яратиб, мазкур тизимлар фойдаланувчиларига қўшимча қулайликлар яратмоқда.

Бундан ташқари, банк мижозларига янада қулайлик яратиш ва ишончли хизмат кўрсатиш йўлида энг сўнгги замонавий технологияларни жорий қилмоқда. Хусусан, банкда мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган ўнлаб хизмат турлари – "Банк – мижоз", "Интернет – банкинг", "SMS – банкинг" каби қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мижозлар сонининг ошишига хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, банк ўзининг кенг қамровли хизматлари билан аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш учун мустаҳкам ресурс базасини кенгайтираяпти, пул оқимларини банк айланмасига жалб этишга ҳаракат қилаяпти.

З.ШАРИФЖОНОВ



Ислом Исмоилов олган сурат

ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда маҳаллий ва хорижлик соҳа мутахассислари иштирокида "Университетларда саломатликка оид фанларни модернизациялаш" лойиҳасининг дастлабки координацион учрашуви бўлиб ўтди.

Мазкур илмий анжуман Тошкент Тиббиёт Академиясининг ташкилотчилиги остида Европа Иттифоқининг "ERASMUS+" дастури доирасида 2015-2018 йилларда молияланиши белгиланган "ModeHEd" лойиҳаси асосида ташкил этилган бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ҳамда комиссиясининг техникавий ёрдамини мувофиқлаштириш бюроси, "ERASMUS+" дастурининг Ўзбекистондаги миллий офиси ҳамда лойиҳа иштирокчилари бўлган мамлакатлар элчихоналари, университетлар ва ташкилотлар вакиллари таклиф этилдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академиясининг ректори Шавкат Каримов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Юри Штерк ва бошқалар бутунжаҳон тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг олий мақсади – инсониятга хизмат қилиш эканлиги, қолаверса, ҳозирги пайтда шифокорларга таълим беришда замонавий технологиялар ўрнининг беқиёслиги, академияда ҳам бу борада катта ишлар қилинаётганлиги ҳамда "ModeHEd" — "Университетларда саломатликка оид фанларни модернизациялаш" лойиҳаси ҳақида анжуман иштирокчиларига батафсил маълумотлар беришди.

— "ModeHEd" лойиҳасининг асосий мақсади – тиббий ва нотиббий таълим йўналишларида тайёрланаётган мутахассисларга ўқитилаётган саломатликка оид 7 та фан бўйича ўқув дастурларини Европа Иттифоқи олий таълим муассасалари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштиришдан иборат. Энг аввало, бу билан биз аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш орқали инсонлар соғлиғини сақлаш борасидаги давлат даражасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсат самарадорлигини оширишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу каби координацион учрашувлар ёш тадқиқотчи олимларимиз учун хорижий ҳамкасблари билан фикр алмашишларига катта ҳисса қўшади, — дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг илмий ишлар бўйича проректори Шуҳрат Боймуродов.

— Бу менинг юртингизга илк ташрифим. Ўзбекистонга келиб, аввало, меҳмондўст, пок дилли инсонларни кўрдим. Тошкент Тиббиёт академияси ва клиникасида яратилган шароитларни кўриб қувондим. Талабаларнинг бир нечта хорижий тилларда ўз фикрларини илмий жиҳатдан тушунтириб бера олишлари мени ҳайратга солди. Ҳозирги кунга келиб, академияда таҳсил олаётган ёш шифокорлар "Тиб қонунлари"нинг асосчиси бўлмиш буюк ўзбек олими Абу Али ибн Синонинг ҳақли давомчилари эканликларини исботлай олишяпти. Мана шундай илмий анжуманларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши тарафдориман, — дейди Чехия Республикасидан ташриф буюрган Праганинг Карлов университети профессори, тиббиёт фанлари доктори Станислав Штипек.

Координацион учрашувнинг иккинчи кунида "Европа Иттифоқи университетларида компьютер технологияларига асосланган профессионал ўқув дастурларининг янги методология ва компонентларини такомиллаштириш тажрибалари", "Таълим материалларининг сифат мезонлари", "Инновatив жарроҳлик технологиялари машғулоти" мавзуларида маърузалар бўлиб ўтди.

Қолаверса, "Валеология" ва "Тиббий билим асослари" "Ёш физиологияси ва гигиенаси", "Спорт медицинаси", "Даволаш жисмоний тарбияси ва спорт гигиенаси", "Шошилинч тиббий ёрдам. Реанимация", "Жамоат соғлиғини сақлаш ва уни бошқариш" фанларининг таълим дастурларини модернизациялаш каби йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлардан иборат давра суҳбатлари ташкил этилди. Соҳа мутахассислари иштирокчиларни қизиқтирган ва тадбир давомида муҳокама этилган мавзуга оид барча саволлар бўйича тушунтириш бердилар.

Илмий-амалий анжуман якунида "ModeHEd" лойиҳасининг асосий иш режалари бўйича вазифалар ва уларнинг бажарилиш сифати ҳамда муддатлари белгилаб олинди, шунингдек, томонлар ўртасида Ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишда юксак натижалар бермоқда. Бу борадаги ишларга давлат тиббиёт муассасалари қатори хусусий клиникалар ҳам салмоқли ҳисса қўшаётир. Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган "Shox" тиббиёт маркази улардан биридир.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

2008 йил ташкил қилинган ушбу марказда касалликларга аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволаш учун барча шароит яратилган. Бу ерда юқори технологияли тиббий-ташхис ускуналари ёрдамида 9 йўналиш бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

– Марказнинг юқори малакали мутахассислари барча қулайликлар яратилган кенг ва ёруғ хоналарда беморларга сифатли хизмат кўрсатмоқда, – дейди бош шифокор Гуллола Исроилова. – Хусусан, халқаро стандартлар асосида маслаҳат бериш, ташхис қўйиш ва даволаш ишлари олиб борилаётир. Шифокорлар репродуктив саломатликни ҳимоя қилиш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом оилани шакллантириш, қариндошлик ва эрта никоҳнинг салбий оқибатларига қаратилган кенг кўламли тушунтириш ҳамда профилактика тадбирларини ўтказмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорларига мувофиқ мамлакатимизда тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга доир кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Масалан, яқинда "Shox" тиббиёт марказида магнитли-резонанс ва мультиспирал компьютер томографлари, рақамли рентген-аппарат ўрнатилди.

Ушбу янги ускуналар ички органлар, суяклар, қон томирлари, юмшоқ тўқималардаги ўзгаришларга юқори даражада аниқ ташхис қўйиш, касалликлар, айниқса, онкологик касталикларни эрта аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, рақамли рентген-аппарат кўрсатилаётган хизмат вақтини қисқартириш, олинган электрон тасвирни компьютер маълумотлар базасида сақлашни таъминлайди.

2015 йилда хайрия тадбирлари доирасида марказда мингдан зиёд отахон ва онахон тиббий кўрикдан ўтказилди. Жорий йилда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

И.ДОЛЕНКО,
ЎзА мухбири

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ

Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежида "Соғлом она ва бола – миллат келажаги" ҳамда "Диний экстремизм ва ақидапарастлик мафкураси, "оммавий маданият"нинг салбий иллатлари таъсирига тушиб қолмаслик ҳамда маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатларнинг олдини олиш" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатини очиб берган коллеж директори Ф.Хошимов бежизга юртимизда 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили" деб номланмагани, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ижобий ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди. Тадбир давомида "Соғлом авлод — юртимиз келажаги" мавзуига бағишланган маърузалар тингланди.

XXI асрда бутун дунёни қамраб олаётган, инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ кучайиб бораётганлиги, бу курашда турли экстремистик, ақидапараст ва мутаассиб оқимлар инсоният тинчлиги ва хотиржамлиги, мамлакатлар хавфсизлиги, қолаверса, демократик қадриятларга нисбатан катта таҳдид солаётганлиги ҳам айни ҳақиқатдир. Мафкуравий таҳдидлар натижасида ҳозирги пайтда дунёнинг айрим ҳудудларида миллатларнинг маънавий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда. Ахлоқсизлик, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Энг ёмони, бундай мафкуравий хуружларнинг пировард мақсади одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тониши, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга, ҳамма нарсага лоқайд бўлиб қарайдиган шахсга айланишига сабаб бўлмоқда.

Ички ишлар вазирлиги академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси ўқитувчиси, капитан Л.Турдиев айнан юқоридаги мавзу бўйича йиғилиш қатнашчиларига батафсил маълумот бериб ўтди. У ўз маърузасида "оммавий маданият" тушунчасининг ёшларимиз орасига тобора кириб келаётганлиги, унга қарши курашиш учун ўқиш, ўрганиш ва замон билан ҳамнафас бўлиш билан бирга теран тафаккур, зукко билим ва ақлга эга бўлиб, чуқур мулоҳаза ва мушоҳада юрита олишимиз зарурлиги ва энг муҳими ҳар биримиз юксак маънавият соҳиби бўлишимиз даркорлиги ҳақида фикр билдирилди.

Тадбирда яна бир масала дин ниқоби остида ҳаракат олиб бораётган "ақидапарастлик", "экстремизм", "фундаментализм" ва "терроризм" оқимларининг талқини, уларнинг олиб бораётган хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди. Йиғилиш давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига тўлиқ жавоб олиш имконига эга бўлдилар.

Суҳбат якунида ўқувчи-ёшлар ҳақиқатдан ҳам соғлом ҳаёт учун соғлом фикр керак эканлиги, ҳар қандай маънавий таҳдидни фақат юксак маънавиятли ва маънавий баркамол авлодгина бартараф этиши мумкинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Наргиза УБАЙДУЛЛАЕВА,
Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Метрология хизматлари кўрсатиш маркази" ДК

"Ўзстандарт" агентлиги МХКМ ДК биносини капитал таъмирлаш, лабораторияларни таъмирлаш ишларини олиб бориш мақсадида тендер эълон қилади.
Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўч., 333а

Буюртмачининг бошланғич нархи – ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда 113060.929 минг сўм.

Ишлар якунланишининг буюртмачи томонидан белгиланган муддати – 45 кун давомида.

Молиялаштириш – корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан.

Буюртмачи – "Ўзстандарт" агентлиги "Метрология хизматлари кўрсатиш маркази" ДК.

Танлов савдоларида фақат Қурилиш-пудратчи ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Номзод сифатида қатнашадиган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: танлов савдоси предмети қийматининг 20%дан кам бўлмаган миқдордаги оборот маблағларга ёки кўрсатилган маблағлар тақдим этилишига банк кафолатига, ишлар (хизматлар) бажарилиши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базасига, мутахассислар, меҳнат ресурсларига эга бўлиши, танловдагига мос объектларда ишлаш тажрибаси, фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва шартнома тузиш ваколатларига эга бўлиши керак.

Зарур бўлганда буюртмачининг расмий талабига кўра номзодлар таъсис этувчи ҳужжатларини тақдим этишлари керак.

Локал-ресурс сметани ва савдода иштирок этиш шартлари ҳақидаги ахборотни Марказнинг www.mxkm.uz сайтида ҳамда қуйидаги манзил бўйича Тошкент ш., Фаробий кўч., 333а МХКМ ДКда олишингиз мумкин, тел. (0-371) 150-26-03, 150-26-16.

Ҳужжатлар тўплами 30 кун қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!
Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

"Махсустранс" Давлат ишлаб чиқариш бошқармаси қаттиқ маиший ва суюқ ҳолдаги чиқиндиларни аҳоли, ташкилот ва корхоналардан олиб чиқиб кетиш тарифи 2016 йил 1 майдан ошганлиги ва қуйидаги суммани ташкил этишини маълум қилади:

1. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш — жисмоний шахслардан: бир киши учун бир ойга — 3000 сўм

2. Қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш:
— бюджет ташкилотларидан 1 м³ учун — 35991,00 сўм
— хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 м³ учун — 35991,00 сўм

3. Суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш:
— бюджет ташкилотларидан 1 тоннасига — 13449,4 сўм
— хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 тоннасига — 13449,4 сўм

4. НД-310 русумли автомобилларда чиқиндиларни қайта юклаш станцияларидан (Яшнобод, Яккасарой ва Юнусобод ЧКЮШ) Оҳангарон чиқиндихонасигача олиб бориш 1 тоннаси учун — 100 10,5 сўм

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 26 мартдаги 44 к-ПО-сонли буйруғига асосан, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 92-уй манзилида жойлашган собиқ савдо дўкони бино-иншоотлардан иборат мулкий мажмуаси аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 11 апрелдаги 49 к-ПО-сонли буйруғи.

Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-80-26. Лицензия: RR-0001.

Шайхонтоҳур тумани аҳолиси ва тадбиркорлари диққатига!

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 2016 йил 15 апрель куни Шайхонтоҳур тумани фуқаро ва тадбиркорларининг қабулини режалаштирганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг биринчи ўринбосари	2016 йил 15 апрель соат 10.00 дан 13.00 га қадар
Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи	2016 йил 15 апрель соат 10.00 дан 13.00 га қадар

Мазкур қабулда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ва тадбиркорлар 2016 йил 14 апрель соат 14.00 га қадар 212-61-87 телефони орқали қабулга ёзилишлари мумкин.

"Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси" томонидан 1.05.2000 йилда Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 6А уй манзилида жойлашган **"AGROQURILISHLOYIHA" МЧЖ**га берилган ер ҳужжатлари ва кадастри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 16 майда ўтказиладиган савдоларда тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш (жадвалларда келтирилади);

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 16 май куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда жорий йилнинг 30 май, 13, 27 июнь, 11, 25 июль, 8, 22 август ва 5, 19 сентябрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат объектлари руйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Собиқ 379-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	759	Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси, 10-уй	М.Улуғбек туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	906 520 000	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида); – юқорида келтирилган "Объектлар" собиқ мактабгача таълим муассасалари ҳисобланганлиги сабабли, "Харидорлар"га ушбу "Объектлар"ни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбурияти юклатилиши.	
2	Собиқ 384-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	869	Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси, 18-уй	М.Улуғбек туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	956 680 000		
3	Собиқ 105-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	1018	Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 8-уй	Юнусобод туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	1 237 298 647		
4	Собиқ 196-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	1522	Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 230-уй	Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	3 444 573 654		
5	2 қаватли бино-иншоот (197-сонли мактабгача таълим муассасасига туташ ҳудудда)	663	Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино-1 мавзеси	Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	819 689 000	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида);	

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	3326	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, 8-март кўчаси, 57а-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.06.2013 № 209	2 707 941 763	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	Бино қисми	396	Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси, 2-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	28.04.2015 № 2340	358 903 568,56		
3	База бино-иншоотлари	663	Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Зумрад ва Хосият кўчалари, 58-ҳарбий шаҳарча	Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Тошиссиққуввати" ИЧБ УК	15.06.2014 № 192	833 123 300		
4	Қурилиши тугалланмаган бино-иншоот	486	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси	Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК	28.04.2015 № 2340	617 321 036	100-200 млн.сўм ва қўшимча 6-10 та иш ўрни яратиш	4-6 ой муддатда

Спорт янгиликлари



Муҳаммад Амин олган сурат

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Шу йил май ойида Фарғона шаҳрида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Универсиада – 2016" мусобақалари бўлиб ўтади. Унга тайёргарлик доирасида 8-10 апрель кунлари пойтахтимизда спортнинг 5 та тури — футбол, баскетбол, волейбол, гандбол ва бокс бўйича саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Уларда Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилояти жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди.

Айтиш ўринлики, Тошкент шаҳрида бу мусобақалар учун юксак даражадаги шароитлар яратилди, энг яхши спорт заллари, футбол майдонлари ажратилди. Мусобақалар қизғин ва муросасиз курашлар остида кечди.

Биз Ўзбекистон Миллий университети спорт залида бўлиб ўтган гандбол мусобақаларини кузатдик. Барча ўйинларда пойтахтлик спортчилар қўли баланд эканлиги сезилиб турди. Қизлар ўртасида ҳам, ўғил болалар ўртасида ҳам устунлик Тошкент шаҳри жамоасига насиб этди. Улар Фарғонада бўладиган "Универсиада — 2016" мусобақаларига йўлланманы нақд қилиб қўйишди.

— Тошкент вилояти гандболчи қизлари билан мусобақада иштирок этдик, — дейди мусобақа иштирокчиси, Ўзбекистон жисмоний тарбия институти талабаси Дилдора Бўриева, – йирик 4:38 ҳисобида ғалаба қозондик. Бундан олдин Сирдарё ва Жиззах жамоаларини ҳам мағлубиятга учратган эдик.

Спортнинг бошқа турлари – волейбол, баскетбол, футбол, бокс бўйича курашларда ҳам устунлик яққол тошкентликлар қўлида бўлди. Футбол бўйича 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Сирдарё, 3-ўрин Жиззах ва 4-ўринни Тошкент вилояти жамоалари қўлга киритишди. Бокс бўйича Тошкент шаҳридан 9 нафар, Жиззах вилоятидан 1 нафардан иштирокчи республика финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Шундай қилиб, барча мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган шаҳримиз спортчилари Фарғонада бўлиб ўтадиган "Универсиада – 2016" мусобақаларида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилишадиган бўлди.

Қ.ЗОКИРОВ

Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Вильнюс шаҳрида литвалик Дан Позняк хотирасига бағишланган ёшлар ўртасидаги XI анъанавий халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этишди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ҳар йили ўтказилиб келинаётган мусобақада Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия, Франция, Венгрия, Голландия, Греция, Италия, Польша, Чехия, Грузия, Беларусь, Эстония, Украина, Литва ва Латвиядан ташриф буюрган 1998-1999 йилларда туғилган ёш боксчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Ҳамюртларимиздан ярим финалда Абу Нуранов (-64 кг.) ва Роримша Просфорга (-91 кг.) имкониятни бой бериб, бронза медали билан тақдирланган бўлса, Шунқор Абдурасулов (-56 кг.) ва Санжар Турсунов (-81 кг.) барча рақибларидан устун келиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Умумий ҳисобда учта олтин ва иккита бронза медалини қўлга киритган ўзбекистонлик ёш чарм қўлқоп усталари мусобақада биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинги поғона эса мезбон литвалик боксчиларга насиб этди.

Эслатиб ўтамиз, вакилларимиз ўтган йили ҳам айнан шу турнирда учта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашган эди. Украина, Литва ва Словакия вакиллари кейинги ўринларни банд этишган.

АФРИКАДАГИ МУСОБАҚА НАТИЖАЛАРИ

Тунисда паралимпия бўйича Гран-при сериясига кирувчи йирик халқаро мусобақа ўз якунига етди. Ўнинчи бор ўтказилган бу турнирда Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари бешта олтин медални қўлга киритди.

Таъкидлаш жоиз, мусобақанинг биринчи кунидаги натижаларга кўра, терма жамоамиз аъзолари 3 та олтин медалга сазовор бўлишди. Ядро улоқтириш секторида ўз тоифасида баҳс олиб борган София Бурхонова ядро улоқтириш секторида 12.83 метр натижа билан мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлган бўлса, Дилафрўз Аҳматхонова ҳам биринчи ўрин билан тақдирланди. Найза отиш бўйича маҳоратли спортчимиз Александр Свечников 57.02 метр натижа билан ўз классидаги барча рақибларидан яхши кўрсаткич қайд этди.

Турнир давомида узунликка сакраш баҳсида Дониёр Солиев ва 1500 метрга югуриш секторида Ёқутхон Холбекова шарафига ҳам Тунисда мадҳиямиз янгради.

Эслатиб ўтамиз, ушбу мусобақада ғолиб бўлган спортчиларимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган паралимпия ўйинларига йўлланма олишди.

ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

САККИЗ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Унга кўра Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 66-ўринга лойиқ кўрилди.

Аввалги рейтингда 74-ўринда қайд этилган миллий терма жамоамиз саккиз поғона юқорилади. Бунга миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг иккинчи босқичи "Н" гуруҳидаги сўнгги иккита турда Филиппин ва Баҳрайн терма жамоалари устидан қозонган ғалабаси сабаб бўлди.

Шунингдек, миллий терма жамоамиз Осиёда 6-ўринда бормоқда.

Фарангиз МУҲАМЕДБОБОЕВА

ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида 2018 йилда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг Осиё қитъаси бўйича учинчи босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси Сурия, Қатар, Хитой, Жанубий Корея ва Эрон терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллади.

Шунингдек, кейинги гуруҳда жаҳон чемпионати йўлланмаси учун Япония, Австралия, Саудия Арабистони, Таиланд, БАА, Ироқ терма жамоалари ўзаро баҳс олиб борадиган бўлишди.

Гуруҳларда биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар тўғридан-тўғри Россияда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этишади. Гуруҳларда учинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар плей-офф баҳсида уй-меҳмон тизимида ўзаро беллашишади. Икки ўйин якунига кўра ғолиб чиққан жамоа жаҳон чемпионати йўлланмаси учун бошқа қитъа терма жамоаси билан куч синашади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Португалиянинг Калдаш-да-Раинья шаҳрида яккакураш спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатида ўзбек жанг санъати вакиллари муваффақиятли иштирок этишди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАГИ ЮТУҚЛАР

Жорий мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 34 та олтин, 7 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритиб, барчанинг олқишларига сазовор бўлди. Мана шу муваффақиятлар сарҳисоби учун Ўзбекистон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш марказида матбуот анжумани ташкил этилди ва унда бир қатор мавзуларда фикр алмашилди.

Эслатиб ўтамиз, бундан авval Жанубий Кореяда ўтказилган Бутунжаҳон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари фестивалида ҳам уч юзга яқин жанг усталари орасида спортчиларимиз ҳар бир босқичда ғалабага эришган эди.

Ботир ХЎЖАЕВ

ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНЛАРДАН САҚЛАНИНГ

Баҳор фаслида об-ҳавонинг нам келиши, ёғингарчиликлар туфайли замбуруғлар ўсиб, ривожланиши учун қулай шароитлар вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади ҳамда ўсиб кўпаяди.

Ўзбекистан Республикаси ҳудудида замбуруғларнинг 200 дан зиёд тури мавжуд. Бироқ шулардан 25 туригина истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Бу истеъмол учун яроқли бўлган замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли "қўзиқоринлар" деб атайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоятида, ҳар бир туманида қўзиқоринларнинг фақат айрим, муайян турларигина терилиб, улардан турли хилдаги тансиқ таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли қўзиқоринлар маъданли моддалар, оқсил ҳамда "С" ва "В" гуруҳларига мансуб витаминларга жуда бойдир.

Бироқ республикамиз ҳудудида ўсадиган қўзиқоринларнинг 150 дан зиёд ботаник турлари заҳарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли ўз ибораси билан заҳарли ўсимлик — "қурбақанинг салласи" деб атайди.

Бу турларга мансуб қўзиқоринлар таркибида гельвелат кислотаси, фаллотоксин, аммонитотоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, бундай қўзиқоринларга қанчалик ишлов берилмасин, улар таркибидаги заҳарли моддалар йўқолиб кетмайди. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибатда истеъмол қилган кишиларни заҳарланишга дучор қилади. Республикамиз ҳудудида заҳарли замбуруғлардан "Бледная поганка", "Лепиота", "Мухомор" ва "Ложный опенок" каби турлари кўп учрайди. Улар шаҳримиз ҳудудидаги боғларда, қабристонларда, сайхон жойларда, дарахтлар теварагида ва бошқа жойларда ҳам учраб туради. Бу замбуруғлар ҳам барча истеъмол учун яроқли бўлган қўзиқоринларга ўхшаб соябон шаклида ўсади, уларни билмай истеъмол қилган киши қаттиқ заҳарланади.

Таркибида фақат гельвелат кислотаси мавжуд бўлган замбуруғ турига сморчок ва строчоклар киради. Гельвелат кислотаси сувда яхши эриганлиги сабабли, бу турга мансуб замбуруғларни олдин сувда қайнатиб, мазкур сувни тўкиб ташлаб, сморчок ва строчок турига мансуб қўзиқоринлардан турли таомлар тайёрлаш мумкин.

Шаҳарлараро автомагистрал йўли ёқаларида, кимёвий моддалар ишлаб чиқариш корхоналари ёки улар сақланадиган омборларга туташ ҳудудларда ўсган истеъмол учун яроқли бўлган қўзиқорин турларини ҳам териб, истеъмол қилиш натижасида улардан заҳарланишлар қайд этилиши мумкин. Чунки, қўзиқоринлар атмосфера ҳавоси, кимёвий моддалар билан зарарланган сув ва тупроқдаги заҳарли кимёвий моддаларни сингдириб олиш хусусиятига эгадир. Шунинг учун, келиб чиқиши номаълум бўлган қўзиқоринларни шаҳарлараро автомагистраль йўли бўйларида ҳамда аҳоли гавжум тўпланадиган жойларда сотилаётган қўзиқоринлардан асло харид қилманг.

Республикамизнинг баъзи жамоа хўжаликлари ва ширкатларига махсус иссиқхоналарда истеъмол учун яроқли бўлган "Вешанка" ва "Шампиньон" каби қўзиқорин турларини етиштириш ва савдо қилиш учун рухсат берилган. Бу хўжалик ва ширкатларда етиштирилаётган қўзиқоринлар ва улардан тайёрланган консерва маҳсулотлари санитария-эпидемиология хизмати лабораторияларида таҳлил қилиниб, улар инсон соғлиғи учун зарарсиз бўлган тақдирда ҳар бир маҳсулотлар учун гигиеник сертификат берилади. Ана шундай гигиеник сертификатга эга бўлган қўзиқорин ва ундан тайёрланган маҳсулотларни турғун савдо шоҳобчаларидан харид қилишингизни тавсия қиламиз.

Заҳарли замбуруғларни билмай истеъмол қилган кишиларда орадан бир неча соат вақт ўтганидан сўнг кўнгли айнаб, тез-тез қайт қилади. Ошқозон-ичак фаолияти бузилади, қоринда оғриқ пайдо бўлиб, бутун аъзои-бадани бўшашиб кетади.

Замбуруғлар таркибидаги заҳарли моддалар жигар, буйрак, меъда ости бези ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлайди. Қўзиқориндан заҳарланиш аломатлари вужудга келган тақдирда, беморга 5-6 пиёла илиқ намакобли сув ичирилиб, уни сунъий қайт қилдириб, меъдаси ювилиши керак. Агар меъда ювилиб, ундаги заҳарли моддалардан халос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва заҳарланиш янада оғир кечади. Бу беморларни уй шароитида билар-билмас даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолнинг олдини олиш учун зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг.

Эсингизда бўлсин, заҳарли қўзиқоринлар соғлиғингиз учун ўта ҳавфлидир.

Фарҳод ТОЖИЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлинмаси мудири

Божхона

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Республикамиз божхона чегаралари орқали товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш мақсадида Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идора вакиллари билан ҳамкорликда тезкор тадбирлар ўтказиш давом эттирилмоқда.

Юртимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, соғлом рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аммо, айрим тадбиркорлар берилаётган имкониятлар ва яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ўрнига мўмай даромад илинжида амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, товар-моддий бойликларни божхона назоратидан яширинча олиб ўтишга уриниш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари йирик миқдордаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйишди. Жумладан, бошқарманинг "Чуқурсой" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан темир йўл контейнерида Тошкент шаҳридаги корхоналардан бирининг номига Хитойдан келтирилган юклар ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, унда божхона юк декларацияси ва унга тегишли йўл-юк кузатув ҳужжатларида қайд қилинган миқдордан 6,5 тонна ортиқча, қиймати 194 млн. сўмлик газламалар ортилгани маълум бўлди.

Амалдаги тартибларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасига сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек, республикамизда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини импорт қилиш тақиқланади. Олиб кирилаётган дори-дармон воситалари эса давлат тилида маркаланиши шарт.

Аммо, "Москва–Тошкент" йўналиши бўйича йўловчи поездида кириб келган фуқаро С.Ашуров (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) мазкур тартибларга риоя қилмай, қиймати 22 млн. сўмдан ортиқ бўлган 10 турдаги 1100 донадан ортиқ дори-дармон воситаларини божхона назоратидан яширинча олиб киришга уринган пайтда "Келес" чегара-божхона пости ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

Шунингдек, пост ходимлари мазкур поезднинг яна бир йўловчиси З.Хидиров томонидан қиймати салкам 37 млн. сўм бўлган 3130 дона сигаретларнинг яширин равишда юртимизга олиб кирилишининг олдини олишди.

Эслатиб ўтамиз, республикамизда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан самарали давлат назорати ўрнатилган бўлиб, бу мазкур турдаги товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилиши ёхуд республикамиз ҳудудига олиб кирилишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2015 йилда божхоначилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда 20 мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, қиймати 70 млрд. сўмдан ортиқ товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида ушлаб қолинди.

Шу ўринда юртдошларимиздан божхона қоидабузарликлари юзасидан Давлат божхона қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 120-76-33, 120-76-76 "Ишонч телефонлари"га қўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

23-25 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 апрелда** ва Тошкент шаҳрида **14 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — **15 апрель** тонгда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, инфлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 455
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ